



« 13 » декабрь 2021-у.

№ 01-01/4- 730 « ___ »- _____ 2021-ж.

**Беруний тумани 55-сонли
умумтаълим мактабининг
бошланғич синф ўқитувчиси
К.Абдусаматовага**

**Нусхаси: Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашига**

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Сизга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 январдаги ПҚ-4940-сон қарорига асосан олис ҳудудда жойлашган умумтаълим мактабларида бошқа ҳудудлардан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун келган олий маълумотли мутахассисларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида бир марталик бошланғич ёрдам пули ва уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаб беришда амалий ёрдам сўраб ёзган аризангиз тегишли тартибда ўрганиб чиқилиб, натижаси юзасидан қўйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 ноябрьдаги 471-сонли Қарори билан олис ҳудудларда жойлашган мактаблар қаторига Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 7 та туманда яъний Нукус шаҳрида жойлашган “Қаратов” маҳалла фуқаролар йиғини, Бўзатов туманида жойлашган “Аспантай” маҳалла фуқаролар йиғини, Кўнғирот туманида жойлашган “Қорақалпоғистон”, “Қирққиз” ва “Жаслик” шаҳарча фуқаролар йиғини, Мўйноқ туманида жойлашган “Қазақдарья” ва “Ҳаким ота” овул фуқаролар йиғини, Тахтақўпир туманида жойлашган “Қоструба” овул фуқаролар йиғини, Тўрткўл туманида жойлашган “Оққамиш”, “Қумбоскан”, “Пахтаобод”, “Янбошқалъа” ва “Кўкча” овул фуқаролар йиғини ва Эллиққалъа туманида жойлашган “Чуқурқоқ” овул фуқаролар йиғинида жойлашган 26 та мактаблар олис ҳудудларда жойлашган мактаблар қаторига китирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 январдаги ПҚ-4940-сон қарорига асосан олис ҳудудда жойлашган умумтаълим мактабларида бошқа ҳудудлардан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун




келган олий маълумотли мутахассисларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида бир марталик бошланғич ёрдам пули ва уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 ноябрьдаги 471-сонли Қарори билан олис ҳудудларда жойлашган мактаблар қаторига киритилган мактабларда фаолият юритаётган педагогларга нисбатан амалга оширилиши белгилаб берилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб Сизга, Беруний тумани 55-сонли умумтаълим мактабида педагогик фаолият юритганлигиниз учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 январдаги ПҚ-4940-сон қарорида келтирилган имтиёزلардан фойдаланиш имкони йўқ эканлигини билдиради.

Шунингдек, вазирликнинг Сизга берган жавоб хатидан қаноатланмаган тақдирда юқори турувчи ташкилотларга мурожаат қилишга ҳақли эканлигиниз тушунтирилади.


Иккинчи манзилга: Маълумот учун.

Вазир ўринбосари



Ш.Таджимуратов

Ижрочи: С.Жуманиязов
Тел: 222-24-66



3-sh.

“O‘zbekiston pochta” AJ

379814

-son KVITANSIYA

(kvitansiya yoki shtrixli pochta identifikatori raqami)

buyurtma ML qabul qilishda

(jo‘natma turi) (alohida belgisi)

Qayerga Buyurtma ML

Kimga U. Bogdanovich

Og‘irlik 200g

Jo‘natish uchun to‘lov 2 so‘m 6000 tiyin

6000

Qabul qildi Y

(imzo)